

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 11-oktabr, shanba № 81 (15823)

МДХНИНГ МИНСК САММИТИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 9-10 октябрь кунлари Минск шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этди.

МДХ саммитининг асосий тадбирлари 10 октябрь куни бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга оид долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Президентлар хавфсизликни таъминлаш, гуманитар соҳадаги алоқаларни кенгайтириш юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Президенти МДХ бевосита мулоқотни қўллаб-қувватлаш, долзарб масалаларни муҳокама қилиш имконини берадиган тузилма, аъзо давлатларни барқарор ривожлантириш, уларнинг савдо-иқтисодий салоҳиятини фаол ишга солиш, хавфсизликка таҳдидларни бартараф этиш борасида ўзаро маъқул ёндашувлар, мувофиқлаштирилган амалий чоралар ишлаб чиқишга хизмат қиладиган майдон эканини таъкидлади.

Ислам Каримов саммит қатнашчилари эътиборини Ҳамдўстлик маконида тўлақонли эркин савдо зонаси-

ни шакллантириш ва уни тезроқ ишга тушириш заруратига қаратиб, бу ўзаро савдо ва сармоявий алоқаларни кенгайтириш учун имкон қадар кўп шарт-шароит яратишини қайд этди.

Маълумки, МДХ доирасида муайян йилларни гуманитар мавзу билан номлаш ва тегишли чора-тадбирларни белгилаш аънамага айланган. Саммит қатнашчилари МДХда 2016 йилни таълим йили, деб эълон қилишга келишиб олдилар.

Хавфсизлик масалалари муҳокама қилинар экан, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишини назорат қилиш, ноқонуний миграция ва одам савдосига қарши курашиш борасидаги ҳамкорликка оид ҳужжатларнинг лойиҳалари кўриб чиқилди.

Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида МДХни янада ривожлантириш концепциясини ҳаётга татбиқ этиш бўйича асосий чора-тадбирлар режаси ижросининг бориши таҳлил этилди, қатор ташкилий масалалар

юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ҳамдўстликка раислик Қозоғистон Республикасига ўтди.

Минскка ташриф асносида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко билан музокара ўтказди.

Суҳбат чоғида икки томонлама муносабатларни янада юқори поғонага кўтариш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон – Беларусь муносабатлари дўстлик ва ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланиб бормоқда. Икки мамлакатнинг минтақавий ва халқаро масалаларга қарашлари ўхшаш ва яқин. Ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган.

Беларусь Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги асосий иқтисодий шерикларидан бири сифатида қарайди. Савдо қўлами йил сайин кенгаймоқда. 2013 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 193,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистондан Беларусга экспорт қилинадиган пахта толаси, тўқимачилик саноати ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, автомобиллар миқдори муттасил ош-

моқда. Беларусдан Ўзбекистонга оғир юк ташувчи автомобиллар ва тракторлар импорт қилинади. Айни пайтда мамлакатларимиз биржалари, савдо-саноат палаталари, йирик ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида бевосита ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан мулоқотлар давом этмоқда.

Суҳбат чоғида ўзаро муносабатларда савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқалар устувор экани, Икки томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Беларусь ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг фаолиятини кенгайтириш бу соҳадаги алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон ва Беларусь маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда. Хусусан, икки мамлакатнинг маданият ва санъат намоёндалари Ўзбекистон ва Беларусда ташкил қилинадиган йирик халқаро тадбирларда мунтазам иштирок этиб келади. Ўзбекистон вакиллари «Славянский базар в Витебске» халқаро санъат фестивалида, беларуслар «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида фаол қатнашади.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА махсус муҳбири
Тошкент – Минск – Тошкент.

Istiqlol farzandlari

МеВа-сабзавот қуритишнинг ноёб технологияси

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг кенгайиши, дунё аҳолисининг тез суръатлар билан ўсиши энергия муаммосини жаҳон миқёсидаги долзарб масалалардан бирига айлантирди. Мавжуд ресурслар «битмас-туганмас» манбалар эмас. Шу боис ҳам бугун ривожланган мамлакатларда муқобил энергия манбаларини топиш ва амалиётга жорий этишга алоҳида эътибор қаратилиб, бунга катта интеллектуал куч ва маблағ йўналтирилмоқда.



Yuksalish

Бугун Ўзбекистонда 550та сайёҳлик компанияси — туроператори фаолият юритмоқда. Улар мамлакатимиздаги тарихий объектлар, архитектура ва шаҳарсозлик обидаларининг аксариятини қамраб олган 110та халқаро сайёҳлик йўналиши бўйича хизмат кўрсатади. Бу йўналишларнинг 65таси тарихий-маданий мерос объектлари, 30таси табиий-рекреацион, 15таси соғломлаштириш туризми элементларини ўз ичига олган экологик йўналишлардир.

Сайёҳлик салоҳиятининг намоёиши

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори миллий туризм ва туристик инфратузилмани раванқ топтириш, унинг халқаро сайёҳлик бозорида фаол иштирокини таъминлаш, умуман, соҳанинг жадал ривожига янги босқични бошлаб берди.

Ўзбекистон сайёҳлик қўлами ва тарихий обидалари сони бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторидан жой олган.

Мамлакатимизда етти мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорлик бор. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси рўйхатида киритилган.

Давлатимизда сайёҳлик инфратузилмасининг барча тармоқларини изчил ривожлантириш мақсадида замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари, аэропортлар ва транспорт коммуникациялари барпо этилмоқда, янги сайёҳлик маршрутлари ишлаб чиқилмоқда, сервис хизмати тубдан яхшиланаётир.

(Давоми 6-саҳифада)

«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ» ЯРМАРКАГА ТАЙЁР

**Жорий йилнинг 13-15
октябрь кунлари
пойтахтимизда X
Ўзбекистон халқаро пахта
ва тўқимачилик ярмаркаси
бўлиб ўтади.**



Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан анъанавий ўтказиб келинаётган ушбу ярмарка самарасида жаҳон бозорида ўзбек пахта толасига бўлган талаб тобора ошиб бормоқда. Айтиш пайтда ярмарканинг нуфузи ортиб, кўлами кенгаймоқда. Жумладан, 2005 йилда ўтган дастлабки ярмаркада 30 мамлакатдан қарийб 170 компания вакиллари қатнашган бўлса, ўтган йили 40 давлатдан пахта ва тўқимачилик компанияларининг минг нафардан кўп вакили иштирок этди.

Жорий йилда ярмаркада иштирок этувчилар сафи янада кенгайиши кутилаётган.

Ярмаркани юқори савияда ўтказиш учун барча зарур ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилди. Чунинчи, ишбилармонларнинг ўзаро музокаралар олиб бориши ва шартномалар имзолаши учун барча шароит яратилди.

Пахта ва тўқимачилик тармоғи маҳсулотлари алоҳида павильонларда намойиш этилади. Кўргазма зали марказида турли навдаги пахта толаси ва гўза уруғи намуналарини намойиш қилиш учун махсус стендлар ўрнатилган. Намойиш этиладиган тола намуналари «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази сертификатига эга. Марказнинг барча ҳудудий лабораторияларида HVI замонавий тизимдан фойдаланилаётгани пахта толасининг юқори сифатини таъминлаётган.

Тўқимачилик маҳсулотлари павильонидида «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компаниясининг етакчи корхоналари ва хусусий тадбиркорларнинг экспортбоп маҳсулотлари билан танишиш мумкин бўлади.

Ярмарка доирасида мамлакатимиз дизай-

нерлари томонидан жаҳон мода тенденциялари ва миллий анъаналаримизни ҳисобга олган ҳолда тайёрланган рангбаранг либослар намойишини ўтказиш режалаштирилган.

Халқаро шартнома тузиш ва тақдимот ўтказиш учун замонавий талаб ва стандартларга мос жиҳозланган конференция зали иштирокчилар ихтиёрида бўлади.

X Ўзбекистон халқаро пахта ва тўқимачилик ярмаркаси мазкур соҳалардаги сўнгги ютуқлар билан танишиш, халқаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг халқаро бозордаги рақобатбардошлигини ошириш ва мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

**Бобур ОБИДОВ,
ЎЗА мухбири**

Tabiat va yoshlar

Фан-техника, жумладан, у билан бевосита боғлиқ саноат ривожини экологияга ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Бундай мураккаб жараёнда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳит ҳолатини ҳисобга олган ҳолда тўғри чора-тадбирларни қўллаш жуда муҳим.

ИНТЕРНЕТДА ЭКОЛОГИК ТАРФИБОТ

Пойтахтимиздаги «Шодлик Палас» меҳмонхонасида ўтказилган «Экологик ташаббус ва ресурслар — атроф-муҳит муҳофазаси йўлида» мавзудаги матбуот анжуманида шулар ҳусусида сўз борди. Тадбир Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда «Chinor» экологик ноширлик компанияси томонидан ташкил этилди.

Қўмитанинг «Chinor» экологик ноширлик компанияси билан ҳамкорликда ёшларда экологик маданиятни қарор топтириш борасида турли ташаббусларга қўл урди.

Анжуманда «Chinor» экологик ноширлик компанияси болалар учун янги — www.tabiatnoma.uz экологик лойиҳаси тақдимотини ўтказди. «Tabiatnoma.uz» сайтида экологик саводхонликни, жонажон ўлкамиз табиати, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси тўғрисидаги билимларни ошириш, ёшларда табиатга муҳаббат туйғусини шакллантириш, она Ватанимиз табиатига нисбатан эҳтиёткорона муносабатни, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни тарғиб қилиш, болаларнинг ижодий қобилияти, табиат қўйнида фаол дам олишлари, экотуризмни ривожлантиришга йўналтирилган турли танловларни ўтказиш кўзда тутилган.

— Мамлакатимизда атроф-муҳит

муҳофазасига оид қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш учун биз, журналистлар масъулмиз. Шу мақсадда «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида йил бошида «Ёш эколог» нашрини ташкил этган эдик. Дастлабки пайтларданок нашримиз ҳақида «Ekonews.uz» сайтига ва электрон манзилимизга илиқ фикрлар йўлланди. Шундан сўнг нашримизнинг электрон сайтини яратишга қарор қилдик. Сайт устида кўп ишлаб, уни «tabiatnoma.uz» деб номладик. Унга келгусида болаларни қизиқтирадиган янги-янги маълумотларни жойлаштиришни мақсад қилганмиз, — дейди «Чинор» экологик ноширлик компанияси бош муҳаррири Нодира Абдуллаева.

Тадбир мобайнида «Қадрдон шахрим экологияси» болалар расмлар кўрик-танлови ҳақида ҳам маълумот берилди. Ушбу танлов ўсиб келаётган ёш авлоднинг эътиборини шахарлардаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш каби масалаларга қаратилган.

**Зарнигор АБДУМАЛИКОВА,
«Turkiston» мухбири**

«Saylov — 2014»

БАРЧА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ САЙЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШИГА РУХСАТ БЕРИЛДИ

Мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг қўллаб-қувватлаш бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

2014 йилги сайловни ёритиш бўйича республика матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов журналистларга сайлов округларини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини шакллантириш, сиёсий партияларнинг бўлажак парламент сайловларида иштирок этишига рухсат бериш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида ахборот берди. Тадбирда айтиш пайтда Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловни ўтказиш учун бир юз ўттиз беш сайлов округи ташкил этилгани, уларнинг номланиши, тартиб рақами, чегараси ва сайловчилар сони кўрсатилган рўйхат матбуотда эълон қилингани таъкидланди.

Марказий сайлов комиссияси жорий йил 9 октябрь куни ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан комиссия раиси, унинг ўринбосари, котиби ва камида олти нафар бошқа аъзолардан иборат таркибда тузилиши таъкидланди. Округ сайлов комиссияларининг шахсий таркибини тасдиқлашда уларнинг таркибига жамоатчиликнинг обрўли вакиллари киритилишига алоҳида эътибор қаратилди. Округ сайлов комиссиялари аъзоларининг рўйхати комиссиялар манзили ва телефон рақамла-

ри кўрсатилган ҳолда матбуотда эълон қилинади.

Матбуот анжуманида маҳаллий ва хорижий журналистларга сиёсий партиялар тақдим этган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширган ишчи гуруҳи сиёсий партияларни қўллаб-қувватлайдиган сайловчиларнинг имзоларини тўплаш сайлов қонунчилиги талабларига тўлиқ мувофиқ ҳолда ўтказилгани ҳақида хулосага келгани маълум қилинди. Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон Ҳалқ демократик партияси ва Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг сайловда иштирок этишига рухсат бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловида иштирок этиши ҳақидаги қарори маълумот учун қабул қилинди.

ЎЗА



ЎЗМУнинг ҳуқуқшунослик факультети талабаси Шоҳруҳ Шодмонов «Камолот» ЁИХ томонидан ташкил этилган «Юрт келажиги» кўрик-танловининг техника йўналиши бўйича ўзининг янги «Kaptiva 3» модели билан қатнашди.

Рустам НАЗАРМАТОВ олган сурат

8-dekabr — O'zbekiston
Respublikasi Konstitutsiyasi kuni

Мамлакатимизда ёшларга таълим-тарбия бериш, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида фарзандларимизни билимли, салоҳиятли, жисмонан ва маънан етук инсонлар этиб тарбиялашнинг яхлит механизми шакллантирилди.

ЁШ АВЛОД
КАМОЛОТИ
ЙЎЛИДА

Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 41-моддасидан.

Таълим тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида бунёд этилаётган замонавий ўқув масканларида ёшларнинг чуқур билим олиши, касб-хунар сирларини пухта эгаллаши учун барча шароит яратилган.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги С.Сирождидинов номидаги академик лицей ҳам иқтидорли ёшлар тарбияланаётган даргоҳлардан биридир. Лицейда турли йўналишлар бўйича 1345 йигит-қиз таҳсил олади.

500 ўринга мўлжалланган турар жой, иккита қишқик спорт зали, футбол, волейбол ва баскетбол майдонлари, 17 мингдан ортиқ китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази, фан лабораториялари ёшлар ихтиёрида. Лицейнинг «Инглиз ороли» номи янги биноси хорижий тилни пухта ўзлаштириш учун ўқув ва компьютер жиҳозлари билан тўлиқ таъминланган.

Билим масканида фан, спорт ва касбга йўналтирувчи тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилган. Шу билан бирга, бу ерда фан олимпиадалари ғолибларидан тузилган «Олимпиада гуруҳлари» билан алоҳида машғулотлар олиб борилади.

Лицей ўқувчилари халқаро ва мамлакат миқёсидаги фан олимпиадаларида мунтазам иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. 2012 йили 46-халқаро Менделеев олимпиадасида Равшан Олмосов кумуш медални қўлга киритган бўлса, Азиза Холиқова бронза, Зебинисо Сафарова раббатлантувчи диплом билан тақдирланди. 2013 йили 47-халқаро Менделеев олимпиадасида лицей ўқувчиси Билолиддин Шаробиддинов олтин медал билан тақдирланди. Жорий йилда математика бўйича халқаро олимпиадада Ҳакимбой Эгамбердиев биринчи ўринни эгаллади, уч нафар ўқувчи фан олимпиадасининг мамлакат босқичида ғолиб бўлди.

— Фан олимпиадасида юқори натижага эришишимда устозларимнинг хизмати катта, — дейди рус тили бўйича республика фан олимпиадаси ғолиби Севара Назирова. — Келгусида халқаро олимпиадаларда ҳам ғолиб бўлиб, мамлакатимиз обрўсини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиш ниятидамиз.

Лицей ўқувчилари нафақат интеллектуал беллашувларда, балки турли спорт мусобақаларида ҳам муваффақият қозониб келмоқда. 2014 йилнинг март ойида Таиландда ўтказилган муайтай бўйича жаҳон чемпионатида Турсуной Раҳимованинг кумуш медални қўлга киритгани бунинг далилидир.

— Таълим масканимизда ўз билим ва салоҳиятига ишонган иқтидорли ўқувчилар жуда кўп, — дейди математика фани ўқитувчиси Умид Раҳмонов. — Уларнинг келажакда етук мутахассис бўлиб шаклланиши учун лицейимизда барча шароит ва имконият мужассам.

**Нурулло НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири**

Тадраккурни минуклаштириб...



Тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзоси Фармон Тошев ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида ёшларнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитларда таълим-тарбия олиши, касб-хунар эгаллаши ҳамда жамиятда ўз ўрнини топиши учун кенг имкониятлар яратиб берилганлиги таъкидланди.

Давра суҳбатида Президентимиз табригида тилга олинган Ўзбекистоннинг узоқ ва яқин тарихи, иқтисодийёти, «Соғлом она — соғлом бола» тамойили, тинчлик ва хавфсизлик масаласи, халқ маънавиятини юксалтириш, ёш авлод таълим-тарбияси, халқаро ҳаёт,

айрим мамлакатларда ҳукм сураётган нотинч вазият каби масалалар хусусида фикр юритилди. Ёшларнинг жамиятда туган ўрни ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш юзасидан маърузалар тингланди.

— Президентимизнинг ушбу чиқишида ҳам ёшлар масаласи кўтарилиб, улар тўғрисида илиқ фикр билдирилди. Айниқса, «Азиз фарзандларим, ҳеч қачон унутманг: сиз эришган марра ва ютуқларингиз халқимиз, элимиз эришган ютуқлар деб ҳисоблайман, сизнинг бугунги ва эртанги кунингиз янада ёруғ бўлиши учун бор кучимни аямайман»

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Самарқанд шаҳар кенгаши томонидан давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма уч йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзини ўрганиш юзасидан давра суҳбати ўтказилди.

деган даъвати ҳар бир ўғил-қиз юрагини тўлқинлантириб юборгани тайин, — дейди Ҳаракатнинг Самарқанд шаҳар кенгаши раиси Рустам Қобиров. — Бундай табирларни шахримиздаги бошқа олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ҳам ўтказишни режалаштирганмиз. Зеро, бундай ўқув ҳамда давра суҳбатлари ўқувчи-ёшлар дунёқарашини теранлаштириб, тафаккурини янада тиниқлаштиришга хизмат қилади.

**Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
«Turkiston» мухбири**

Kuchli davlatdan — kuchli fuqarolik jamiyati sari

Ҳоким билан юзма-юз

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Миробод тумани ҳокими Шарофиддин Қодиров билан оммавий ахборот воситалари ходимлари учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш доирасида ташкил этилган матбуот анжуманида янги иш ўринларини яратиш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш

билан таъминлаш, хусусий тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш каби қатор масалалар хусусида сўз борди.

— Туманимизда ўн олтига умумтаълим мактаби, бешта академик лицей ва еттита касб-хунар коллежи, олтига олий ўқув юрти фаолият

юритмоқда, — дейди Миробод тумани ҳокими Шарофиддин Қодиров. — 2013-2014 ўқув йилида 2129 нафар ўқувчи касб-хунар коллежларини битирди. Улардан 1269 нафари иш билан таъминланган бўлса, 235 нафари олий ўқув юртларига ўқишга қабул қилинди. Қолган битирувчилар ҳам ишга жойлаштирилипти.

Туманда кўп қаватли уйлар атрофини тартибга келтириш, ободонлаштириш, куз-қиш мав-

сумига тайёргарлик кўриш ишлари авжида. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туман аҳолисида турли соҳага оид 503та мурожаат келиб тушган. Шундан 463тасининг ижроси таъминланди. Тадбир давомида шу каби маълумотлар ҳам берилди, журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

**Назокат
ҚУРБОННИЁЗОВА,
«Turkiston» мухбири**

Ҳеч ким меҳр Ва
эътибордан четга
қолмайду!

Марғилон шаҳридаги 1-меҳрибонлик уйида «Истеъдодим сенга бахшида, Ватан!» хайрия табрири бўлиб ўтди. Мазкур табир «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилояти кенгаши ҳамда Марғилон шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилди.

Тадбир аввалида меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари томонидан тайёрланган маданий-муסיқий дастур намойиш этилди. Унда истеъдодли ўғил-қизлар Ватан, она, ёшлик ҳақида шеърлар ўқиб, кўшиқлар куйлади. Шунингдек, уларнинг табиат қўйнида чизган расмлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбир давомида «Камолот» фаоллари иштирокида турли интерфаол ўйинлар ташкил этилди. «Камалак» ва «Камолот» лойиҳалари

ҳақида маълумот берилди.

— Бугунги табир менда катта таассурот қолдирди. Унда дўстларим қобилиятларини намоён этди. Мен эса расмлар кўргазмасида ўзимнинг «Табиат ва биз», «Она меҳри» номи ижодий ишларим билан қатнашдим. Бу каби табирлар бизга хурсандчилик бағишлайди, — дейди меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Шермухаммад Дехқонов.

Давлатимиз ғамхўрлиги остида тарбияланаётган, ўқиб-излана-



Bor bo'lsin yaxshilar

ётган бу болалар келажакда юрт равнақиға муносиб ҳисса қўшади. Чунки бу ерда тарбияланаётган ўғил-қизларнинг чуқур билим эгаллаши, истеъдодининг сайқал топиши учун кенг имкониятлар яратилган.

Тадбирда бу ҳақда алоҳида таъкидланиб, меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига ҳимий ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Дилнавоз ҚЎЛДОШЕВА

Dolzarb mavzu

Ҳамкорлик — фаровонлик омили

Марказий Осиё минтақасида сув захираларининг чеклангани ҳамда сувни тежаш ва муҳофаза қилиш масалалари кун сайин долзарб аҳамият касб этиб бораётир. Хусусан, XX асрнинг сўнгги йилларида Орол денгизида сув сатҳининг кескин пасайиши ҳудудда табиий муҳитнинг бузилишига сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Ушбу минтақа мамлакатлари мазкур экологик офат оқибатларини бартараф этиш юзасидан бир қатор самарали ишларни амалиётга татбиқ этиб келмоқда.

Маълумки, ўтган асрнинг эллигинчи-олтмишинчи йилларидан бошлаб Орол денгизининг асосий манбалари — Амударё ва Сирдарё сувидан халқ хўжалиги, Марказий Осиёдаги барча республикаларнинг ерларини суғориш учун тўлиқ фойдаланилган. Шу туфайли улар оқими сустлашиб, оби ҳаёт юқори даражада исроф бўлди. Орол бўйи минтақасида табиий муҳит бузилиб, чанг ва туз бўронлари вужудга келди. Наинки, Орол бўйи, балки денгиздан анча четдаги бепоён ҳудудлардаги ерлар чўлга айланди. Бугунги кунда экологик фожиа сифатида баҳоланаётган Орол денгизи муаммосини, жумладан, унинг глобал миқёсда атроф-муҳитга таъсирини ўрганиш, юзага келган салбий оқибатларни юмшатиш ҳамда келгусида табиий сув ҳавзаларини янада такомиллаштириш каби қатор лойиҳа ва таклифлар ишлаб чиқилмоқда.

Президентимиз Ислон Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида бу ҳақда билдирилган куйидаги фикрлардан Орол бўйи экологиясини яхшилаш зарурияти нечоғли долзарб ва глобал аҳамиятга эгаллиги ва сув ресурсларидан оқилна фойдаланиш ҳаёт тақозоси эканини теран англаймиз: «Орол денгизининг қуриб бориш хавфи ғоят кескин муаммо, айтиш мумкинки, миллий кулфат бўлиб қолди. Орол денгизи муаммоси узоқ ўтмишга бориб тақалади. Лекин бу муаммо сўнгги ўн йилликлар мобайнида хавфли даражада ортди. Марказий Осиёнинг бутун ҳудуди бўйлаб суғориш тизимларини жадал суръатда қуриш кўплаб аҳоли пунктларига ва sanoat корхоналарига сув бериш баробарида кенг кўламдаги фожиа — Орол ҳалок бўлишининг сабабига айланди. Яқин-яқинларгача чўлу саҳролардан тортиб олинган ва суғорилган янги ерлар ҳақида доғдаба билан сўзланарди. Айни чоғда ана шу сув Оролдан тортиб олинганлиги, уни «жонсизлантириб қўйилганлиги» хаёлга келмасди. Эндиликда Орол бўйи экологик кулфат ҳудудига айланди.

Орол танглиги инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фожиалардан биридир. Денгиз ҳавзасида яшайдиган қарийб 35 миллион киши унинг таъсирида қолди.

Биз 20 — 25 йил мобайнида жаҳондаги энг йирик ёпиқ сув ҳавзаларидан бирининг йўқолиб боришига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бироқ бир авлоднинг кўз ўнгида бутун бир денгиз ҳалок бўлган ҳол ҳали рўй берган эмас эди».

Чунончи, Юртбошимиз жаҳон ҳамжамияти эътиборини Орол денгизи муаммосига қаратиб, мазкур масалани илк бор БМТ Бош ассамблеясининг

1993 йил 28 сентябрда ўтказилган 48-сессиясида кўтарган эди. Маълумот ўрнида келтириш жоизки, давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 5 августда қабул қилинган фармойишига биноан Урганч шаҳрида шу йилнинг октябрь ойи охирида «Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш» мавзусида ўтказиладиган халқаро конференция ҳам бу борадаги долзарб масалаларнинг муҳокамасига бағишланади. Зотан, томчиси олтинга тенг бўлган оби ҳаётни тежаш, сув тақсироти тамойилларига қатъий амал қилиш халқ фаровонлигини оширишнинг асосий мезонларидан биридир.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 1993 йил март ойида Қизил ўрдада бўлиб ўтган учрашувда ташкил этилган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси томонидан минтақада экологик вазиятни яхшилаш, аҳолининг яшаши учун мақбул ҳаёт шарт-шароитларни яратиш, янги иш ўринлари ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга молик. Оролнинг суви қуриган тубида қарийб 400 минг гектарга яқин ўрмонзор яратилди. Бўйи тўрт-беш метргача етадиган саксовуллар гармселини қайтариш, зарарли тузлар ҳавога кўтарилишининг олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Шўрхок кўмликлар экотизими тикланиб, ҳаёт кечиришнинг табиий шароити яратилаётгани сабабли яна парранда ва даррандалар ҳудудга қайтмоқда. Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Европа иқтисодий комиссияси, Япония, Германия, Хитой ва бошқа давлатлар мазкур лойиҳаларни молиялаштиришда яқиндан кўмак бериб келмоқда.

Ўзбекистон кейинги ўн йил давомида Орол бўйи аҳолисининг ҳаёт тарзини юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда Орол денгизи ҳавзасида сув ресурслари ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўналишидаги 1 миллиард 200 миллион АҚШ долларидан ортиқ маблағ ажратди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 майдаги фармойиши билан 2013 — 2015 йилларга мўлжаллаб белгилаб берилган лойиҳалардан бири «Амударё дельтасида кичик кўллари ташкил этиш» лойиҳаси бўлиб, унинг биринчи фазаси 2002 — 2012 йилларда амалга оширилган. Ушбу лойиҳа асосида Амударё дельтаси бўйлаб, Орол денгизи қирғоқлари атрофида кичик ҳажмли сув ҳавзалари барпо этилади. Шунингдек, тўртта тўғон, олти та сув тақсимловчи гидроиншоот ишга туширилди. Умумий майдони 64 минг гектардан иборат кўллари сувни сақлаш ҳолати яхшиланди. Натижада тўқайзорлар майдони кенгайиб, чорва молла-

ри учун озукабоб ўсимликлар кўпаймоқда. Чорвачилик соҳасида молларнинг бош сонини ва улардан олинадиган сут ва гўшт маҳсулотларини янада оширишга ҳамда сув ҳавзаларида қушлар ва мўйнали ҳайвонларнинг кўпайишига шароит яратилди.

Ўтган йилдан иккинчи босқичи бошланган мазкур лойиҳани 2020 йилгача давом эттириш режалаштирилган. Унинг асосий мақсади Амударё дельтасининг марказий зонасида кичик сув ҳавзалари барпо этиш ва улардаги сув режимини бошқаришни ривожлантириш, экологик мувозанатни тиклаш, иш ўринлари яратиш ва кўмларнинг кўчишини тўхтатиб, йўқолиб бораётган ноёб ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини сақлаб қолишдан иборат. Юқорида қайд этилган фармойиш асосида Мўйноқ туманидаги Ахантай ва Оққум массивларида ҳимояловчи ўрмон ўсимликлари ҳамда қурғоқчиликка ва шўрга чидамли буталар экиш асосида дов-дарахтлар ва ўсимликларни кўпайтириш ишлари бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу лойиҳалар кўмагида йигирма минг гектарли саксовулзор барпо этилиб, ҳозирда қарийб минг гектар майдонга 900 минг туп саксовул кўчатлари ўтказилди.

Қишлоқлардаги аҳолининг тоза ичимлик суви таъминотини яхшилаш лойиҳаси Орол фожиасининг салбий оқибатларини бартараф этишга қаратилган лойиҳалардан яна биридир. Ҳозир Тахтақўпир туманидаги иккита аҳоли пунктида артезиан қудуқлари қазилиб, аҳолига ер ости сувини тозалаган ҳолда етказиб бериш лойиҳаси амалга оширилаётир. Минтақадаги аҳоли соғлигини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга ичимлик суви таъминотини яхшилаш орқали Орол бўйи аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий аҳолини юксалтириш мазкур лойиҳанинг асосий мақсади ҳисобланади. Бундан ташқари, юртимизда суғориш тизими фаолиятини замонавий фан-техника ютуқларини қўллаган ҳолда юритиш бўйича изланиш ва тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Бугун бутун сайёрамизга дахлдор Орол муаммоси чинакам биологик мувозанатни бузиб, аҳоли генофондига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганидек, халқаро тузилмаларнинг захиралари, имкониятлари ва инвестицияларини ана шу кенг кўламли муаммоларни ҳал қилишга жалб этиш устувор вазифадир. Бу эса ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ҳамда экологик жиҳатдан мусоффо ҳаёт муҳит яратишнинг муҳим омили бўлиши шубҳасиздир.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
«Turkiston» мухбири

Ёшларни касбга йўналтириш, тўғаракларга доимий жалб этиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда ижтимоий хизматлар марказларининг ўзига хос ўрни ва аҳамияти бор.

Фаолликка ундоғчи масканлар

Биргина Тошкент вилоятининг ўзида тўққизта шу йўналишдаги марказ бўлиб, улар айни дамда вилоятнинг Красногорск, Ангрен, Бекобод, Олмалиқ ва Чирчиқ шаҳарларида ҳамда Қибрай, Зангиота, Бўстонлик ва Паркент туманларида фаолият кўрсатмоқда.

Шаҳар ва туманларда ташкил этилган «Ёшлар ижтимоий хизматлар маркази»даги жами 48та тўғаракнинг еттитаси жамоатчилик асосида иш олиб боради. Айниқса ушбу марказлар мутасаддиларининг кам таъминланган оилалар фарзандларини, ИИБ профилактика ҳисобида турадиган вояга етмаганларни, ҳуқуқий ёрдам сўраб мурожаат қилган ёшларни ўз бағрига кўпроқ жалб этаётгани эътиборга молик. Шу боисдан жорий йилнинг олти ойи давомида тўғаракларга жалб этилганлар сони икки минг нафардан ошди.

Шу ўринда Ангрен ва Бекобод шаҳарларида, Зангиота туманида фаолият юритаётган «Ёшлар ижтимоий хизматлар маркази»нинг фаоллигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

— Тўқувчиликнинг нозик сирларини мукамал ўрганишимда устозлар сабоғи менга жуда асқотди, — дейди Ангрен шаҳридаги «Ёшлар ижтимоий хизматлар маркази» қатнашчиси Зиёда Эсонова. — Диққат билан кузатиб, устозларимдан анча нарсани билиб олдим, дўстлар орттирдим. Тўқувчилик санъатини билиш, муайян кўникмага эга бўлиш қизлар учун шарт деб ўйлайман.

Сўхбатимизга зангиоталик Севара Мўминова ҳам қўшилди:

— Дарҳақиқат, туманимиздаги «Ёшлар ижтимоий хизматлар маркази» ҳар доим ўқувчилар билан гавжум. Биргина «Тўқувчилик — тўқувчилик» тўғарагига етмиш нафарга яқин ўқувчи-қиз қатнашади. Биз учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Энг муҳими, бошлаган ишингни қунт билан ўрганишда.

— Амалий санъат йўналиши бўйича тўғарак машғулотларига мунтазам қатнашиб бораман, — дейди Бекобод шаҳридаги 2-умумтаълим мактаби ўқувчиси Ирода Олимова. — Ўз иқтидорим, билим ва таҳрибамни оширишда тўғарақда ўрганганларим асқотмоқда. Бу борада шаҳар «Камолот»чиларининг кўмак ва маслаҳатларидан миннатдоримиз.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар ва туман кенгашлари қошида ташкил этилган «Ёшлар ижтимоий хизматлар маркази» ва унда иш олиб бораётган тўғараклар ёшларни фаолликка ундаб, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, энг муҳими, куртак отаётган истеъдодини сайқал топтиришга кўмаклашади.

Ашурали БОЙМУРОД,
«Turkiston» мухбири



Мева-сабзавот қуритишнинг ноёб технологияси

(Давоми, бошланиши 1-саҳифада)

Ортимизда ҳам мазкур муаммони бартараф этиш, энергиядан фойдаланишнинг амалдаги тизимини такомиллаштириш ва қайта тикланган энергия манбалари бўйича муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, энг қулай ва замонавий энергия манбаи — қуёш батареяларидан биноларни иситиш ва совитиш, сувларни чучуқлаштириш, электр энергияси ҳосил қилиш ва турли технологик жараёнларни амалга оширишда фойдаланилмоқда.

Маълумки, мамлакатимизда мева-сабзавот маҳсулотларини етиштиришдан ташқари, уларни консервалаш, қуритиш ҳам саноатнинг муҳим тармоқларидан ҳисобланади. Фермер хўжаликлари, хусусий хўжаликларда мева-сабзавотларни қуритиб сақлашга эҳтиёж катта. Бироқ бу маҳсулотларни фарқ пишган пайтдан бошлаб қуритиб олиш узок вақт ҳамда машаққатли қўл меҳнатини талаб этади. Қолаверса, бунинг учун махсус майдонлар керак. Табиийки, очиқ майдонда маҳсулотнинг қуриш жараёни чўзилиб, ноқулай об-ҳаво ша-

роитида маҳсулотда микроорганизмлар ривожлана бошлайди. Қолаверса, устки қисми бузилиб, турли ҳашаротлар ҳамда чанг-ғубор билан қопланиши мумкин.

Шу сабаб сўнгги йилларда мева-сабзавотларни қуритишга мўлжалланган тезкор технологиялар жорий этилмоқда. Бундай технологиялар иш унуми юқори бўлиши билан бирга, катта миқдордаги иссиқлик ёки электр энергияси ҳисобига ишляпти. Эркин Жўраев татбиқ этаётган технология эса бу борадаги ишлар унумдорлигини ошириш билан бирга, электр энергиясини тежаши билан эътиборга молик.

Физиклар оиласида унибўсган тенгдошимиз ўқувчилик давриданоқ фан-техникага қизиқиши ортиб борди. У ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ҳамда «Физика-қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш» халқаро ёзги илмий мактабида билим олди.

Илмга қизиқиш уни Тошкент давлат техника университетида етаклади. У иккинчи курсдаёқ гелиотехника йўналиши бўйича изланиш олиб

борди. «Мини сабзавот қуритгич иссиқхонаси» мавзудаги тадқиқоти кўп ўтмай, ўз натижасини кўрсатди. Мева-сабзавотларни қуёш энергияси ёрдамида қуритадиган ускунани ихтиро қилди.

— Гелиоқурилма минитехнологиялар сирасига киради, — дейди ёш тадқиқотчи. — Мини қуёш мева-сабзавот қуритгич-иссиқхона қурилмаси ёғочдан ясалган бўлиб, узунлиги 1500, эни 720, олд қисми 600, орқа деворнинг баландлиги 900 миллиметр бўлиб, олдинги девори ва усти тиниқ шиша билан қопланган «иссиқ қути»дан иборат. Қуёш энергияси ёрдамида ишловчи паст потенциалли қурилмаларни яратиш ва тадқиқ этиш бўйича етарлича тажриба мавжуд. Жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуёш энергияси ёрдамида қуритишга мўлжалланган радиацион, конвектив ва мужассамлашган қуёш мева-сабзавот қуритгичларининг конструкциялари яратилган. Лекин бундай катта ўлчамли қурилмаларни яшаш учун харажатларнинг юқорилиги, кўп миқдорда металл талаб қилиниши, технологик жиҳатдан такомиллашмаганлиги, қўл меҳнатининг кўплиги туфайли хўжаликларда уларни қуриш



ва фойдаланиш ҳозирча омма-лашгани йўқ. Биз тавсия этаётган қурилма минитехнологиялар сирасига кириб, у қуёш энергияси ёрдамида ёз-қуз мавсумида мева-сабзавотларни очиқ майдондагига қараганда икки-уч марта тез, сифатли қуритиш, шунингдек, кўчатлар, кўкатлар етиштиришга хизмат қилади.

Мазкур мосламага қуритиладиган маҳсулот ювиб олинган, қурилма тўр тагликларига жойлаштирилади, эшик ва дарчалари ёпиб қўйилади. Шиша сиртига тушувчи қуёш нурларининг асосий қисми қурилма камерасига кириб, унинг қисмлари ва мева-сабзавотларга ютилади сўнгра иссиқлик энергиясига айланади. Қурилма ичидаги ҳарорат 55°C дан орта бошлагач, тўрли дарча очиб қўйилади.

Эркин Жўраев татбиқ этган ускуна ёз-қуз мавсумида 250-300 килограммгача юқори сифатли қуруқ мева-сабзавот тайёрлаш, қиш ва эрта баҳорда олти-етти килограмм кўкат ва 1800-2000 дона кўчат ўстириш имконини беради. Қурилмани тайёрлаш учун тахминан 500 минг сўм сарфланади. Йиллик иқтисодий самарадорлик эса бир миллион сўмдан ошади.

Мазкур ихтиро учун Эркин

Жўраев Интеллектуал мулк агентлигининг патентини олди. «Инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар» республика ярмаркасида иштирок этиб, «Энг яхши лойиҳа муаллифи» номинацияси голиби бўлди.

Ҳозирда «Мини қуёш мева-сабзавот қуритгич иссиқхона» қурилмасини автоматлаштириш устида иш олиб бориш билан бир қаторда академик Нодирбек Юсупбеков раҳбарлигида «Қуёш – иссиқлик нурланишидан фойдаланган ҳолда муқобил энергия ишлаб чиқаришда бошқарув тизимини яратиш» мавзусида илмий иш қилмоқда.

Беруний номидаги Давлат стипендияси соҳиби бўлган ёш тадқиқотчи ахборот-коммуникацион технологиялардан ҳам унумли фойдаланади. Ҳозирги кунда интернет тармоғидаги www.hov.uz сайтининг ташкилотчиси, бошқарувчиси ва сайтдаги блогларнинг муаллифларидан бири сифатида ҳам фаолият юритади.

Дастурлаш, бизнес ва маркетинг психологиясига қизиқиши баланд тенгдошимиз бу соҳада ҳам илмий иш қилиш ниятида.

Назокат ҚУРБОННИЁЗОВА,
«Turkiston» мухбири



Hunari borning — xazinasi bor

Оддий ёғочда акс этган санъат

Равшанжон қўқонлик уста Ислонжон Каримовга шогирд тушганида ўн икки ёшда эди. Оддий ёғочга жило бериб, мафтункор нақшлар яратишнинг илк сабоқларини оларкан, ишидан завқлана бошлади.

У устозидан олган билимларини янада мустаҳкамлаш, наққошлик санъатига замонавий, қолаверса, тасвирий санъатнинг бошқа қирраларини пухта ўрганиш мақсадида Республика рассомлик коллежига ўқишга кирди.

Одатда ёғоч ўймакор усталари бир услубда ижод қилади. Равшанжон эса бирийўла паргорий ва ислимий нақш усулларидан фойдаланади. Бу ўзига хос усул ишининг бетакрорлигини таъминлайди.

— Наққошлик қадимий ва мураккаб санъат турларидан ҳисобланади, — дейди Равшанжон Қўчқоров. — У устандан сабр-тоқат, билим, истеъдод ва ижодқорлик талаб этади. Биргина оддий қутичани ясашга бир неча кун, йирикроқ иш учун эса бир неча ойгача вақт кетади. Шундагина ҳақиқий санъат асари яратилади.

Равшан Қўчқоров ўзининг ижод намуналари билан «Ташаббус»



Уста Равшанжон Қўчқоров ўқувчиларга яримтайёр ишнинг мураккаб нақшлари қандай ишланишини тушунтиряпти.

кўрик-танлови ва қатор кўргазмаларда муваффақиятли қатнашиб келмоқда. У ёшларга ҳам бу хунарни ўргатиш мақсадида Учкўприк туманининг Юлғунзор қишлоғидаги 38-умумтаълим мактабида «Ёш хунар-

манд» тўғарагини ташкил этди. Тўғарақда ўқувчиларга ёғоч ўймакорлиги сирларини ўргатмоқда.

Нодиржон ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири



Сайёҳлик салоҳиятининг намоёиши

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

Мамлакатимизда халқаро туризм билан бир қаторда ички туризмни ҳам изчил ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Зеро, ички туризм иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омилidir. Шу боис мамлакатимизда ҳудудларнинг сайёҳлик имкониятларини ошириш ва тарғиб этиш, курортлар ҳамда сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жиҳати, ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда манзилли дастурлар амалга оширилмоқда.

Юртимизда янги туристик маршрутларни ишлаб чиқиш, тарихий-археологик боғлар барпо этиш, қишлоқ жойларда туризм ва туристик хизматларни ривожлантириш, автомагистрал йўллар, сервис хизмат кўрсатиш мажмуаларини барпо этиш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар юрдошларимизнинг мамлакатимиз бўйлаб саёҳат қилиши учун қулай шароит яратмоқда.

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» павильонларида «Ипак

йўлидаги туризм» ХХ халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазма «Ўзбектуризм» миллий компанияси ва «Буюк Ипак йўли» реклама агентлиги томонидан БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) кўмагида ташкил этилди. 1994 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу халқаро сайёҳлик ярмаркаси ўтган давр мобайнида Марказий Осиёнинг туризм соҳасидаги йирик форумга айланди. Мазкур ярмарка жаҳон жамоатчилигини мамлакатимизнинг сайёҳлик борасидаги улкан салоҳияти билан кенг таништириш, хорижий сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, юртимизда сайёҳлик бизнесини изчил ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Сайёҳлик борасидаги улкан салоҳиятни чет элларда оммалаштириш, юртимизга сайёҳларни янада кўп қилиш мақсадида мамлакатимиз сайёҳлик ташкилотлари йирик халқаро кўргазмаларда мунтазам иштирок этмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида сайёҳликни ривожлантиришга доир манзилли дастурлар, экотуризм, альпинизм, отда, туяда, автомобилда саёҳат қилиш, off-road саёҳатлари, балиқ ови,

рафтинг, геотуризм, маданий-маърифий туризм каби янги сайёҳлик дастурлари амалга оширилмоқда.

Жаҳонда барча турдаги сайёҳларга хизмат кўрсатадиган компанияларни бирлаштирадиган мазкур ихтисослаштирилган кўргазма мамлакатимиз ва чет эл сайёҳлик бизнеси мутахассислари учун мўлжалланган. Бу йил ярмаркада Жанубий Корея, Испания, Австрия, Швейцария, Ҳиндистон, Малайзия, Бирлашган Араб Амирликлари, Таиланд, Сингапур, Венгрия, Чехия, Руминия, Латвия, Польша, Индонезия, Эрон, Туркия каби дунёнинг қирқдан ортиқ мамлакатидан кўплаб фирма ва компаниялар вакиллари қатнашди.

«Туризм ва санъатнинг ипак боғлами» шиори остида ўтказилган халқаро туризм ярмаркаси сайёҳлик саноатининг замонавий йўналишларини қамраб олган. Унда сайёҳлик бозорининг барча тузилмалари — туроператорлар, турагентлар, йирик тармоқли меҳмонхона мажмуалари ҳамда хусусий хотеллар, санаторийлар, курортлар, автотранспорт компаниялари, авиаташувчилар, глобал буюртма тизимлари, турбизнес ва бошқа сайёҳлик хизматларининг дастурий таъминотчилари, музейлар ҳамда

маданий ҳордиқ чиқариш ва дам олиш саноати ходимлари фаол иштирок этди.

— Ўзбекистоннинг изчил тараққиёти, хушманзара ва фусункор табиати, дўстона муҳит, ўзбекона меҳмондўстлик каби кўплаб омиллар барчага бирдек манзур бўлиши шубҳасиз. Юртингиздаги кўп асрлик тарихий обидалар кўз қорачигидек асраб-авайлаб келинаётганига лол қолдим. Компаниямиз Ўзбекистон билан Сингапур ўртасида сайёҳлик алмашувини йўлга қўйиш ниятида. Бунинг учун ҳар икки мамлакатда ҳам улкан салоҳият мавжуд. Яқинда Сингапур билан Ўзбекистон ўртасида тўғридан-тўғри авиақатнов йўлга қўйилгани сайёҳлик борасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилаётир, — дейди Сингапурнинг «Apple World» компаниясининг бизнесни ривожлантириш бўйича менежери Зу Цяо Лин.

Ярмаркадан ўрин олган «Ўзбекистон бўйлаб сайёҳат миллий павильони»да мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан ўнлаб сайёҳлик фирма ва компаниялари иштирок этди. Экспозициядан Ўзбекистоннинг ҳудудий маъмуриятлари ва сайёҳлик компаниялари билан бир қаторда ўқув ва соғломлаштириш марказлари, театрлар, музейлар, сайёҳлик агентликлари, «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг ҳудудий бўлимлари, хусусий сайёҳлик ташкилотлари уюшмаси ҳам ўрин олди.

Хорижнинг нуфузли халқаро сайёҳлик фирмалари, миллий сайёҳлик компаниялари, меҳмонхона ва рестороанлар каби кўплаб ташкилотлар вакиллари мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти ва тақлиф этилаётган хизматлар, мафтункор табиат, тарихий обидаларимиз ва халқимизнинг ноёб қадриятлари акс этган экспонатлар, халқ хунармандчилиги буюмлари, фотоэкспозициялар, экотуризм ва спорт туризми, авиатранспорт, меҳмонхона, суғурта ва банк хизматлари, миллий ва ҳудудий сайёҳлик ташкилотлари, сайёҳлик операторлари ва агентлари фаолиятига оид кўплаб маълумот ва адабиётлар билан танишди. Кўргазмада «Туризм соҳасида ахборот технологиялари», «Меҳмонхона ва жойлашиш объектлари», «Транспорт хизматлари», «Су-

ғурта хизматлари», «Гастрономик туризм» бўлимлари жой олди. Ўзбекистон санатория ва шифохоналари эса алоҳида стендда тақдим этилган.

Миллий павильонда ярмаркага келувчилар Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сармоявий салоҳияти билан танишди. Ярмарка доирасида ташкил этилган «Миллий таомлар фестивали», «Шарқ бозори» экспозицияларида иштирокчилар ўзбек миллий таомлари ҳамда саховатли заминимизда етиштирилган сархил мева ва сабзавотларга оид маълумотга эга бўлди. «Хунармандлар шаҳарчаси» бўлимида намоёиш этилган миллий хунармандчилик намуналари анжуман қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

— Кўргазмада мен ўзимнинг миниатюра йўналишида миллий ва замонавий услуб уйғунлигида яратган оид намуналарим билан иштирок этяпман. Амалий санъат намуналари чет эллик меҳмонларга манзур бўлмоқда. Бу каби кўргазмалар тез-тез ташкил этилса, миллий қадриятларимиз тарғиботи ҳам, туризм ҳам ривожланади, — дейди Олтинқул туманидан келган Сайёра Акбарова.

Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси экспозицияси стендларининг махсус бўлими таълим тизимида бағишланган. Унда мамлакатимизнинг ушбу соҳада кадрлар тайёрлаётган олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари — Тошкент давлат иқтисодий университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, пойтахтимиздаги касб-хунар коллежлари, «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг ўқув маркази ҳақида рекламалар намоёиш этилди.


Халқаро ярмарка давомида «Туризм соҳасида ижтимоий ҳамкорлик: таълим ва иш билан таъминлаш» мавзусида халқаро форум ўтказилди. Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси доирасида энг яхши сайёҳлик йўналиши тақдимоти, компания ва меҳмонхона тақдимоти, энг яхши стенд, энг яхши сервис, энг яхши дизайн, кўп йиллик ва сермахсул ҳамкорлик каби катор йўналишлар бўйича ғолиблар аниқланди ва тақдирланди.

Зарнигор АБДУМАЛИКОВА,
«Turkiston» муҳбири



Фотобиеннале — туррофа нигоҳлар инъикоси

Халқаро маданият ва ижодий муҳит алмашинуви ижтимоий ҳаётда маънавиятнинг юксалиши, шунингдек, дунё мамлакатлари рассомларини бирлаштириш, замонавий санъатнинг турли бадиий йўналиш ва услубларини намойиш этиб, унда янги номларни кашф этиш, шу билан бир қаторда, хорижий мамлакатларнинг тасвирий санъат борасидаги муваффақиятларини кузатиш, глобаллашув даврида миллийлик моҳиятини тушуниш, умуминсоний эзгу ғояларни сақлаш маданий алоқаларни ривожлантириш учун хизмат қилади. Халқаро санъат анжуманлари, кўرғазмалар, биенналелар шулар жумласидандир.



Михдан ишланган сурат.

сара ижодий ишлари жой олган.

Фотогалерея бўйлаб айланар эканмиз, канадалик Габриела Мажнинг сувости фототасвирларидаги тажрибаси барчанинг диққатини ўзига тортаётганига гувоҳ бўлдик. Тақдим этилган кўп қиррали структур сюжетда лаҳзадаги «кенглик» акс эттирилган. Вақтнинг оний тўхташи, тананинг вазнсизлиги, воқеликдан ташқари ҳолатни бетакрор намён этган «Рақс» номли суратлар туркуми ажабтовур, ғайриихтиёрий ҳаракатлар тасвири билан барчанинг эътибор марказида.

Бир талай томошабинни ўз атрофига йиққан яна бир ижодий коллекция — ватандошимиз Наталья Иошунинг «Таассурот майдони» номли асарлар тўпламида кузнинг сеҳрли ранглари яқинлашиб келаётган тасвирни ошқор қилмайдиган бўёқлар палитрасининг эртақнамо бой ва ёрқин акси ўзига мафтун этади. Шамол рапсодияси, шабада мавзусида кенг фантазия, сарчашмада чўмилаётган нур ва барглар рақси томошабинни ўзга оламга олиб киради гўё.

Марказий Осиёга оид ноёб фототархив тузишга муяссар бўлган франциялик фотограф Пайрам ижоди ҳам ўзига хос. У суратга олган портрет ва манзаралар наинки шарқона гўзалликни кашф этган, балки уларга сокинлик хореографиясини ҳам сингдирган.

Ватандошимиз Инна Сандлернинг мойбўёқ ва акварелда ишланган «Хотира», Зокир Умаровнинг «Менинг тоғларим, менинг осмоним, менинг Ватаним», италиялик Мауро Ловеччининг «Оқиш тутун. Конклав кунлари» туркумидаги композициялар санъатсеварлар юрагидан чуқур жой олмоқда. Шунингдек, Диана Миндубаева, Рафаэль Эналиев, Эрнест Куртвелиев, Аллома Бахромова, Светлана Янчук, Элдор Содиков, Фарҳод Каримов, Темур Курбонбоевларнинг ижодий ишлари намойиш этилмоқда.

Парвина ОМОНОВА,
«Turkiston» мухбири

Қумар БЕГНИЯЗОВА,
«Turkiston» мухбири

Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманида хунармандчилик билан шуғулланаётган хотин-қизлар учун уч кунлик маҳорат дарслари ташкил этилди. Ўзбекистон Бадиий академияси ва «Хунарманд» уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими ўтказган тадбирда моҳир хунармандлар, кўғирчоқбозлар ва тадбиркорлар иштирок этди.

Маҳорат сабоқлари

Маҳорат дарсларида иштирокчилар кўғирчоқбоз Мансур Курёзовдан кўғирчоқлар ясашни, хунарманд Ўқтам Шодмонқуловдан бақачаноқлардан турли санъат асарларини яратиш сирларини ўрганди. Нуқсулик тадбиркор Зухра Султашова тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун зарур кўникмалар бериб, туман хотин-қизларига қорақалпоқ миллий каштачилигидан дарс ўтди.

— Мазкур семинар-тренинг хотин-қизларнинг қалбида хунармандчилик билан шуғулланиб, оила бюджетига қўшимча даромад келтириш истагини уйғотди, — дейди мўйноқлик Давлетбека Дониёрова. — Орол денгизи бўйидаги бақачаноқлардан заргарлик буюмларини ясашни ўргандим. Энди бу хунарни янада ривожлантириб, келгусида сайёҳлар учун шундай санъат намуналарини яратмоқчиман.

Тадбирда хунарманд Ўқтам Шодмонқулов Хотин-қизлар кўмитасининг Мўйноқ тумани бўлимига бақачаноқдан ясалган «Орол» расмини эсдалик учун топширди.



Инна Сандлернинг «Хотира» туркумидан.

Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўрғазмалар залида VII халқаро Тошкент фотобиенналесига бўлиб ўтмоқда.

«Ўхшашлик. Тасаввур ва борлик» шиори остида ўтказилаётган бу йилги халқаро фотобиеннале экспозициясидан 32 мамлакатдан икки юздан ортиқ фоторассомларнинг энг

Sport

Ёшларимиз қитъа чемпионатини ғалаба билан бошлади

Мьянмада бўлиб ўтаётган ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатини футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ғалаба билан бошлади. Равшан Ҳайдаров шогирдлари индонезиялик тенгдошларини 3:1 ҳисобида мағлуб этиб, кейинги босқичга чиқиш учун катта қадам ташлади.

Ўйин юртдошларимизнинг устунлиги билан ўтди. Бешинчи ва ўн саккизинчи дақиқаларда вакилларимиз рақиб жамоа дарвозаси олдида хавфли вазиятларни содир этди. Бироқ йигирманчи дақиқага келибгина ҳисоб очилди. Индонезиялик дарвозабон жамоамиз хужумини қайтаришда хато қилди. Дарвозабондан қайтган тўпга эса биринчи бўлиб Достонбек Ҳамдамов

етиб келди ва дарвозани ишғол қилди — 1:0.

Орадан икки дақиқа ўтиб, ҳисоб 2:0га етди. Хуршид Гиёсовга қилинган кўполликдан сўнг ҳакам Индонезия ёшлар терма жамоаси дарвозасига ўн бир метрлик жарима зарбасини белгилади. Пенальтини Зубихилло Ўринбоев аниқ бажариб, ҳисобни йириклаштирди.

Иккинчи таймда жамоалар биттадан тўп киритди. 55-дақиқада Пауло Октавианус узоқ масофадан гол уриб, ҳисобни қисқартирган бўлса, ўйин якунига уч дақиқа қолганда Отабек Шукуров ҳам индонезиялик тенгдошидан қолишмаган тарзда узоқдан зарба бериб, чиройли гол муаллифи бўлди.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси 12 октябрь куни Осиё чемпионати гуруҳ мусобақасининг 2-турнида Бирлашган Араб Амирликлари жамоасига қарши майдонга тушади.



Бугун финал бемашуви бўлади

Бугун Республика олимпия захиралари теннис мактабида «Tashkent Challenger — 2014» анъанавий халқаро турнири ниҳоясига етади.

Профессионал теннисчилар уюшмаси (АТР) мусобақалари тақвимида жой олган ушбу нуфузли мусобақада юртимиз вакиллари билан бир қаторда Италия, Франция, Испания, Словакия, Австралия, АҚШ, Таиланд, Германия, Канада, Австрия, Хитой Тайпейи, Исроил, Россия, Украина, Чехия, Швейцария, Тунис, Беларусь, Молдова, Янги Зеландия ва Ҳиндистон сингари йигирмадан ортиқ давлат теннисчилари яқалик ва жуфтлик баҳсларида голиблик учун ўзаро куч синашди.

Мазкур халқаро турнирнинг жуфтликлар ўртасидаги баҳсларида ҳамюртимиз Фаррух Дўстов ва молдовалик Альбот Раду чорак финалда австралиялик Рамиз Жунаид ва россиялик Константин Кравчукка қарши кортага чиқиб, 6:4, 6:3 ҳисобида ғалаба қозонди.

— Мамлакатимизда Профессионал теннисчилар уюшмаси, Хотин-қизлар теннис уюшмаси ва Халқаро теннис федерацияси билан ҳамкорликда эркаклар, хотин-қизлар, ўсмирлар ва болалар ўртасида мунтазам ўтказиб келинаётган бу каби халқаро миқёсдаги теннис мусобақалари бундан



кейин ҳам иқтидорли ёшлар етишиб чиқишига замин яратади, — дейди ҳамюртимиз Фаррух Дўстов. — Мен кўпгина давлатларда бўлиб, шунга амин бўлдимки, биз, спортчиларга берилаётган имконият дунёдаги бошқа жойда мавжуд эмас. Ушбу мусобақа «Challenger» туркумига кирувчи мусобақалар ичида энг нуфузлисидир.

«Tashkent Challenger — 2014» анъанавий халқаро турнирида Фаррух Дўстов, Санжар Файзиев, Шонигматжон Шофайзиев, Жўрабек Каримов, Темур Исмоилов каби истеъдодли теннисчиларимиз иштирок этди.

Мусобақанинг яқалик беллашувлари финалида словакиялик Сергей Стаховский хорватиялик Лукаш Лачко билан голиблик учун курашади.

Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎЗДЖТУ талабаси

Гран-При турнири Тошкентда

16 — 18 октябрь кунлари Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт саройида дзюдо бўйича Гран-При туркумига кирувчи йирик халқаро мусобақа бўлиб ўтади.

Қирққа яқин давлатдан спортчилар иштирок этиши кутилаётган мазкур

турнир голиб ва совриндорлари 2016 йил Бразилиянинг Рио де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари лицензиялари учун рейтинг очколарига эга бўлади.

Фазлиддин ШУКУРОВ

Qadriyat

САВКЕЛЕ

сулув қизлар
орзуси

Мозибатор нақши, қур безак-ли савкелеси бўлишини орзу қилмаган қорақалпоқ қизи бўлмаса керак. Миллий анъана ва қадриятларни ўзида жо қилган шубҳ боти кийими узок мазийлардан сўзлайди.

Савкелени қизлар одатда тўйу базм, гапгаштак(қизлар йиғини)да кийган. Турмушга узатилаётган қизлар эса янги, махсус келин савкеле тиктирган. У ранги, безаги билан оддий савкеледан фарқ қилган.

Қизлар киядиган савкеле қизил рангли бўлади. Унга майда мунчоқлар қадалади. Бўлажак келин-чакларники эса қизил-яшил бўлиб, йирик тошлар билан зийнатланади. Уни тикиш ҳамманинг ҳам

қўлидан келмайди, фақат моҳир чеварларгина бу ишни уддалайди.

Чеварларнинг таъкидлашича, савкеле оддий бош кийими эмас, ҳақиқий санъат асари. Биламизки, санъат асарлари бир кунда яратилмайди. Қорақалпоқ қизларининг фахри саналмиш ушбу кийимни тайёрлаш учун ҳам озмунча вақт ва меҳнат сарф бўлмайди. У камида уч-тўрт ойда тайёрланади. Сабаби, у тўрт қисмдан — қиран, қате-



лек, шуршик ва бойдадан иборат бўлиб, ҳар бир қисмини тайёрлаш маълум муддат талаб қилади.

Бойда — савкеленинг орқа қисми бўлиб, унга кўчқор шохи шаклидаги нақш туширилади. Бошдан оёққача тушган парда шуршик деб аталади. Қиран бу — бош кийимининг тепа қисми, қателек олд қисмидир.

Савкеле пешонасидаги қош мисдан ясалади. Рангин мунчоқлар йирик-йирик нақшлар устидан қатор қилиб терилади. Бош ки-

йим буюртма асосида тикилиб, нархи қадимдан бир от баҳосига тенг бўлган. Савкелеси борлар ўзини энг гўзал қизлар деб ҳисоблаган.

«Маликалар тожи» бўлмиш савкеленинг пешона қисмидаги тош қимматбаҳо. У бахтли турмуш рамзи ҳисобланади. Беш чизиққа тизилган кўзмунчоқлар эса инсонни ёмон кўзлардан сақлайди, деб ҳисоблашади. Унинг олд қисмига «сирғали», «чумоли бел» нақшлари туширилади. «Сирғали»ни тўқиш мураккаб бўлиб, зиракка ўхшаб пастга осилиб туради. «Чумоли бел»да ранг-баранг иплар устма-уст тўқилади.

Қизни узатмасдан аввал унинг савкелесини ўрик дарахтига илиб қўйишган. Бу борган жойингда тошдек ўрнашгин деган маънони англатади. Бир вақтлар оқ рангли савкеле ҳам бўлиб, уни катта ёшли аёллар кийган.

Ҳозир Қорақалпоғистонда савкеле тикувчи қўли гул чеварлар кўп. Улар бош кийимни бугунги замонавий-миллий тарзда безайди. Шундай чеварлардан бири Гумисай Раметуллаева бу йил

«Юрт келажиги» республика иқтидорли ёшлар кўрик-танловининг ғолиби бўлди.

— Ушбу санъат асарини яратиш мураккаб, — дейди чевар-тадбиркор Гумисай Раметуллаева. — Унга меҳрини бермаган чевар ўйлаганини амалга оширолмайди. Момоларимиз савкеле тикадиган қизнинг ниятлари пок, ўзи қадриятларни кадрлайдиган, одоб-ахлоқли бўлмоғи шарт, дейди. Мен момоларнинг сўзларига ишонаман. Чунки фақат чеварликда эмас, бошқа касбу ҳунарларда ҳам халқимизнинг асрлар давомида асраб-авайлаб келинган азиз қадриятлари, тутумларига амал қилинса, ишимиз ўнгидан келиши шубҳасиз.

Бердақнинг «Олти қиз» шеърида аравага ўтириб, савкелесини кўз-кўз қилганча тўйга кетаётган олти қиз тасвирланади. Бу шунини кўрсатадики, савкеле ҳақиқатан ҳам қизларнинг, тўйу базмларнинг зийнати ҳисобланган. Бугунги тенгдошларимиз уни гўзал қадрият сифатида эъзозлайди.

Кумар БЕГНИЯЗОВА

МЎЪЖИЗАКОР ТАБИАТ



Капалак парвозини томоша қилганми-сиз? Бу жонзотнинг атиги бир кунгина яшашини билиб, кўнглингдан аллақандай ҳислар ўтади.

Лекин ҳаётда одамларга, табиатга, бутун борлиққа эзгулик улашиш, эстетик завқ бахш этиш, де-

ганлар учун вақтнинг аҳамияти бўлмас экан. Буни шу митти жонивор тимсолида ҳам кўриб амин

бўлишимиз мумкин.

Маълумотларга қараганда, уларнинг ер юзидан 150 мингга яқин тури мавжуд. Марказий Осиёда капалакнинг сариқ, дўлана, апполлон, мовий, кулранг сатир, оқ нўхат, катта садафдор, товускўз, қичитқўт, карам капалак каби бир қанча тур-

лари учрайди. Уларнинг айримлари кундузги, баъзилари тунги капалаклар ҳисобланади. Кундузгиларининг гавдаси бир текис йўғонликда, нисбатан ингичка, қанотлари кенг бўлиб, секин қанот қоқади. Тунги капалаклар эса кечкурун фаол бўлади. Улар қаноти қисқа ва энсиз бўлиб, кўнганда қорин қисмини ёпиб, икки томонга ёйилиб туради, қанотини тез-тез қоқиб учади. Бу жонзотлар таъмини орқа қисми ёрдамида сезади. Қанотларининг ранги нурни акслантирувчи пардалар ёрдамида ҳосил бўлади.

Табиатда ҳар бир жонзотнинг ўз ўрни бўлганидек, капалаклар ҳам унинг ажралмас қисми, бетақроор мўъжизаларидандир.

Назокат
ҚУРБОННИЁЗОВА
тайёрлади.

ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

Тарихчилар XV аср — Мовароуннаҳрда илм-фан энг юксак чўққига чиққан давр эканини ёзиб қолдирган.

Хатто ... мадрасаларининг дарвозасига «Билим олиш ҳар бир мусулмон аёл ва эркекнинг бурчидир» деган хитобнома ёзилган.

Айтинг-чи, бу битиклар қайси тарихий шаҳар мадрасаларининг шиори бўлган?

Жавобингизни 14 октябрь соат 16:00га қадар 233-79-69, 233-95-97 телефон рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби: Резина.

Тошкент шаҳридан Мавзур Асомов, Янгийўл туманидан Мунира Алиева, Қарши шаҳридан Темур Очилов тўғри жавоб йўллади.

YONDAFTARCHANGIZGA

Илм фикрнинг хос мевасидир. Агар қалбда илм ҳосил бўлса, ҳолати ўзгаради, ҳолати ўзгарса, аъзоларнинг амали ўзгаради. Бас, амал ҳолатга, ҳолат илмга, илм фикрга тобедир.

Абу Ҳомид Ғаззолий